
Ўзбекистон тумани ҳокимига янги ўринbosар тайинланди

Қурбанов Отабек Худошукорович Ўзбекистон тумани ҳокими ўринbosари-туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Отабек Қурбанов 1986 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. 2009 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги-иқтисодиёт. Меҳнат фаолиятини 2009 йилда Кўқон шаҳар “Alskom” суғурта компанияси бош мутахассиси сифатида бошлаган Отабек Қурбанов 2011-2015 йилларда “Микрокредит банк”, “InfinBANK” каби тижорат банкларида мутахассис бўлиб, 2018-2019 йилларда эса Кўқон шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази инспектори, директори ўринbosари вазифаларида фаолият юритган.

Лавозимга тайинлангунга қадар Кўқон шаҳар инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи ўринbosари лавозимида меҳнат қилаётган эди.

Ушбу вазифада ишлаб келган Яхёжон Солиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан лавозимидан озод этилди.

2022-04-30 17:44:59